«ЭВЕРЕСТ» АЛЬПИНИСТЛАР ЭКСПЕДИЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Азиз ватандош альпинист - спортчилар!

Сизларнинг «Дунё томи» деб ном олган Эверестни забт этиб, ўзбек халқи номи ва байроғини Ер юзининг энг баланд чўққисига мангу муҳрлаганингиз ҳақидаги хушхабар менга катта маънуният ва ғурур бағишлади.

Халқимиз ватанпарварлик жасоратингизни зўр ҳаяжон билан кузатиб турди ва ғалабангизни катта олқиш билан кутиб олди.

Юксак чўққи сари йўлингизда кўплаб мураккаб қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтганлигингизни биламиз. Сизнинг мақсад сари қатъият билан олға интилганлигингиз халқимиз табиатига хос бўлиб, бу — юртимиз руҳи ва иродасининг юксак намунасидир.

Ватанимиз довруғини дунёга таратган ушбу ғалабангиз Мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!

Барчангизни она юртимизга соғ-омон қайтишингизни тилайман!

Омад сизларга ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Эверест чўққисига Ўзбекистон байроғи қадалган куни кўнгилдан ўтган гаплар... ва Ҳимолайдан сўнгги хабарлар...

22 май куни кечга яқин Ҳимолайнинг қор ва музликлар қоплаган бағридан Ватанимизга ажойиб хушхабар келди. Республикамиз Президенти номига альпинистларимиз томонидан йўлланган радиограммада қуйидаги сўзлар бор эди:

«Ўзбекистон альпинистлари дунёнинг энг юқори чўққиси — Эверест (8848 м.)ни забт этишди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини қадашди.

Бу ғалабани биз жонажон ватанимиз Мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаймиз...

Ватанимиз шон-шуҳрати учун янги жаҳоншумул ютуқларни қўлга киритишга тайёрмиз...»

Ўйлаганим сари юрак фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб боради. «Эверест чўққисида Ўзбекистон байроғи!.. Ўзбек ўғлони қадами дунёнинг энг юқори чўққисига етди!..»

Бу қандай воқеа ўзи? У нимани англатади?.. Ўзбекистон спортининг тарихий ғалабасими?.. Альпинистларимизнинг жасоратими, рекордими?.. Мустақил Ватанимиз Давлат байроғи бугун дунёнинг энг юқори чўққисида ҳилпираши фақат шуларнигина англатадими? Альпинистларимиз ютуғи, жасорати ва ютуғидан-да юксак нелардир вужудимизни ҳаяжонга соляпти-ку. Бунда катта рамзий маъно борлигини юрак-юракдан ҳис этиб турибмизку! Буни англаган одам худди ўзи чўққига чиққандек, ўзи байроқни қадагандек қувонади. Ўша байроқ ўша юксакликдан туриб «салом, дунё, мен Ўзбекистонман!» дея садо бераётганлигини ҳис этади. Ўша садо ҳар биримиз қалбимиз садоси эмасми?

Бугун ер юзининг энг юқори чўққисида байроғимиз ҳилпирагани миллатимиз Ўзбекистонимиз эртасини кўргандек бўламан. Мағрур ва юксак Эверест инсоният томонидан илк бор қачон забт этилганлиги ҳақида ўйлайман. Неча-неча қудратли мамлакатлар вакиллари Эверестни қанча-қанча уринишлардан сўнгина забт этишган. Кимлардир ярим йўлдан ортга қайтган. Кимлардир абадий музликлар қўйнида мангуга қолиб кетган. Асрий музликлар, даҳшатли бўронлар, қаҳрли аёз, ҳар қаричи хавф-хатардан иборат бу чўққи нега одамзодни ўзига чорлаб келяпти? Унда не сир-синоат яширин? Дунёда етти мўъжиза бор дейишади. Саккизинчи мўъжиза ана шу Жамолунгма чўққиси эмасмикин?

Ўйласанг саволлар ортидан саволлар келаверади. Эверестку шундай экан, нега одамзод боласи ўз ҳаётини хавф остига қўйиб унга чирмашади? Бунда не сир-синоат бор?

Инсон ерда яралса-да, доим юксакликка интилиб яшайди. Қуш бўлиб учгиси келади, виқорли тоғлар чўққисига, ой-ю, юлдузларга талпинади. Коинот инсон хаёлини ўзига аср этганиданми? Одамзод ибтидодан интиҳогача юксакликка интилади. Эверестга қизиқишнинг сири ҳам шундамикин? Эҳтимол. Лекин ўз ҳаётини қил устида қолдириб, қилич тиғидек музликлар ўзра бўрону тўфонлар бағрига қадам ташлашга ҳамма ҳам жазм қила олмайди. Бунга қарор қилишнинг ўзи бир жасорат. Мақсадга эришгунча босиб ўтиладиган 8848 метр масофанинг ҳар қаричи бир жасоратга тенг. Бу нафақат жасорат, балки ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми? Ана шундай қаҳрамонликка бугун ўзбек альпинистлари сазовор бўлиб туришибди. Бундай қаҳрамонлик Ватанга муҳаббат туйғуларидан туғилади. Рустам Ражабовни хавф-хатардан асраган ана шу туйғулар эмасмикин. Чўққига қадаш учун елкасида бўронлар узра олиб ўтган Ватан байроғи унинг танини иситиб турган бўлса не ажаб! Бу хатарли йўлда Ватан байроғи унга қувват бериб, тумор бўлиб турган бўлса не ажаб!

Ватан ҳақида ўйлаётиб, хаёлга бир савол келади: чўққига етиб, ўз Ватани байроғини қадагач, Рустамнинг хаёлидан нималар кечдийкин? Баланд чўққида туриб «Ўзбекистоним қай томондасан?» дея қалби ғурурга тўлиб атрофга тикилдимикин?

Ватан номидан йўлга чиққан, Ватан номидан иш тутган одам бундай пайтда фақат юртини ўйлайди.

Одам ўз жасоратини вақт ўтган сайин чуқурроқ англай бораверади. Эҳтимол Рустам ва унинг жамоадошлари ўз жасоратлари моҳиятларини ҳозирча тўла англаб етишмагандир. Буни биз ҳаммамиз ҳам ҳали англаб ололганимизча йўқ. Альпинистларимиз матонати ҳақидаги хабар қулоққа киргани билан ҳамманинг ҳам юрагига синганичa йўқ ҳали. Ватан билан боғлиқ хушхабар юракдан ўтсагина одам ўйлайди, ҳаяжонга тушади, ғурурланади.

Рустам ғалабасининг иккинчи куни Ҳимолайдан янги хушхабар келди. Яна уч нафар ҳамюртимиз Светлана Баскакова, Сергей Соколов ва Марат Усаев дунёнинг энг юқори чўққисига кўтарилишди. Аслида беш нафар альпинистимиз чўққини забт этиш учун йўлга чиқишган эди. Бироқ, 8460 метр юксакликка кўтарилишгач Олег Григорьев ва Андрей Фёдоров чўққини эгаллашдан вақтинчалик воз кечишди. Бунга уларни оддий инсоний бурчлари даъват этди. Ғап шундаки, альпинистларимиз чўққига етишларига озгина қолганда АҚШ фуқароси альпинист аёлни ҳушсиз ҳолда ётганини кўришди. Турмуш ўртоғи билан биргаликда Эверестни забт этишга жазм қилган аёл 8 минг метрдан юқори баландликда кислороди тугаб, тўрт кун ёлғиз ўзи қолиб кетган эди. О. Григорьев ва А. Фёдоров унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун чўққига кўтарилишни тўхтатишди. Ва АҚШ фуқаросини 8 минг 200 метр баландликдаги қароргоҳга олиб тушишди. Афсуски, унинг ҳаётини сақлаб қолишга имкон бўлмади. Ҳозирча унинг турмуш ўртоғи тақдири ҳам номаълум.

Ҳар доим шундай бўлган Эверестда жасорат билан фожиа қадамбақадам юради. Бу ерда ҳар бир инсонни Яратганнинг ўзи қўлласин экан.

Кеча тушга яқин республика альпинистлар клуби Ҳимолайдан навбатдаги радиограммани қабул қилди. Маълум бўлишича, жами 9 нафар альпинистимиз чўққига кўтарилишибди. Ҳеч бир давлатдан бир йўла бунча спортчи чўққига кўтарилмаган. Экспедициямиз раҳбари А. Шабановнинг хабар қилишича, С. Баскакованинг чўққига чиқиши ҳам тарихий воқеа бўлди. У Марказий Осиё хотин-қизлари ўртасида биринчи бўлиб Эверестга кўтарилган альпинист сифатида тарихда қолади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бизнинг вакилларимиз билан бир пайтда 12 мамлакатдан 15 та экспедиция Эверестни забт этишга киришганди. Ҳозирча улардан бештаси чўққига чиқа олди.

Ҳозир альпинистларимиз 6 минг 400 метр баландликдан пастга тушишга тайёргарлик кўришаяпти. Улар ўз зиммаларига олган вазифаларини аъло даражада бажаришди. 29 май куни альпинистларимизнинг Непалга (Катманду) қайтишлари мўлжалланмоқда. Экспедициямиз ҳомийларидан бири «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси альпинистларимизни Ватанга олиб қайтиш тараддудини кўрмоқда.

Беихтиёр ўйга толасан киши: Ер юзида қанча мамлакат бор. Улардан саноқлиларининг байроқлари Эверест чўққисига қадалган. Яқин ўтмишда ўзбек йигити Эверестни забт этиши ҳақида гап бўлиши мумкинмиди? Ўзбекистон ўз автомобилини чиқаради, нефть мустақиллигига эришади, осмонўпар меҳмонхоналар, дунё ҳавас қиладиган спорт кошоналарига эга бўлади дейиш афсонадек туюларди. Бугун афсоналар ҳақиқатга айланаяпти. Альпинистларимиз юртбошимизга йўллаган радиограммаларида «ғалабамизни жонажон Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаймиз» деганларида мутлақ ҳақ эдилар. Истиқлол туфайли афсоналар ҳақиқатга айланмоқда.

Президентимиз альпинистларимизга йўллаган табрикда «Самога туташ чўққи узра қадалган байроғимиз бизнинг озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпираб турсин!» дейилади. Бу сўзлар ҳаммамизнинг қалбимиздан отилиб чиқаётган эзгу ният эмасми? Бу сўзлар ҳар биримизнинг дилимиздан такрор-такрор ўтади: байроғимиз юксакларда озодлик ва ободлигимиз тимсоли сифатида абадий ҳилпирайверсин.

Сафар ОСТОНОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 26 май, сешанба • № 62 (22.299).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, республикада ташқи иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 27 апрелдаги Ф-840-сон Фармойишига мувофиқ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини ўрганиб чиққан Комиссиянинг хулоса ва таклифлари эътиборга олинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 1998/99 ўқув йилидан бошлаб Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига:

талабалар қабул қилиш республикада олий ўқув юртлари учун белгиланган тартибда, тест синовларининг рейтинг натижалари асосида амалга оширилади;

таълим йўналишлари бўйича қабул режаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларини, университетда ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилиши учун шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Белгиланган умумий қабул режасининг 50 фоизи давлат грантига, 50 фоизи шартнома асосида қабул қилинаётган талабаларга ажратилади;

бошланғич курсга талабалар қабул қилиш ва ўқитиш тугатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини талабаликка шартнома асосида қабул қилишда тўловларни бошқа давлатлар валютасида амалга ошириш ман этилади.

3.Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Университет ректори вазифаси Ташқи ишлар вазири зиммасига юклансин.

Университетнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, 1998/99 ўқув йилидан бошлаб бакалавриатда ўқиш муддати — 5 йил, магистратурада — 2 йил этиб белгилансин.

Университетга 1998/99 ўқув йилигача қабул қилинган талабалар мавжуд бўлган шартномалар асосида 4 йиллик бакалавриат ўқув дастурлари бўйича таянч олий таълим оладилар.

4. Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда университетнинг таълим йўналишларини, мутахассисликлари бўйича малака тавсифномаларини, ўқув режаси ва дастурларини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Янги ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқишда ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган малакали, замонавий талабларга жавоб берадиган, бой миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган, ўз Ватани ва халқига содиқ мутахассисларни тайёрлаш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Давлат тест маркази билан биргаликда бўлажак тест синовларини юксак савияда ўтказиш учун зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда университетнинг Уставини қайта ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги университетнинг профессор-ўқитувчилари таркибини мунтазам мустаҳкамлаб бориш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини таъминласин.

Давлат тест маркази (Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси) билан биргаликда 1998 йил 1 июлга қадар университетнинг профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказсин.

6. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб кадрларга буюртма берувчи асосий ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидаги юқори малакали мутахассисларни университетнинг ўқитиш жараёнига жалб этиш амалиёти жорий этилсин ва ривожлантирилсин.

7.Университетда таълим йўналишлари бўйича чет тилларда кенг мавзуда маърузалар ўқиш ва махсус курсларни ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар элчихоналари ва ваколатхоналарининг малакали мутахассисларини таклиф этиш назарда тутилсин ва қўллаб-қувватлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги мунтазам равишда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг моддий-техника базасини замонавий дарсликлар ва ўқув адабиётлари, компьютерлаштирилган ўқув дастурлари ва бошқа техник воситалар билан мустаҳкамлашни бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 24 октябрдаги 491-сон қарорининг 10-банди ва 7-бандининг университет раҳбариятига талабалар қабулини ташкил этиш, ўқув режаси ва дастурларини, штат жадвалини мустақил равишда тасдиқлаш ҳуқуқини беришга оид қисми ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 12 ноябрдаги 526-сон, 1994 йил 2 мартдаги 111-сон, 1995 йил 31 майдаги 195-сон, 1995 йил 20 июндаги 231-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг молиявий таъминотига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 май.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1998/99 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқитувчи ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларига қобилиятли ёшларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1998/99 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 42 минг, шу жумладан 21 минг давлат грантлари асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

Белгилансинки:

олий таълим муассасаларига ўрнатилган қабул режасининг 50 фоизи давлат грантлари ҳисобидан, қолган 50 фоизи тўлов-контракт асосида ташкил этилсин;

олий таълим муассасаларига қабул барча учун /ҳам грантлар, ҳам контракт бўйича/ тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминлансин;

қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида ўрнатилган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадир.

2. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

3. Давлат комиссияси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низомга ушбу Қарор талаблари асосида тегишли ўзгартиришлар;

юридик ва жисмоний шахслардан тушган аризалар ва тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига ўрнатилган умумий қабул режаси доирасида, таълим йўналишлари ва қабул кўрсаткичлари бўйича зарур бўлган ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли таълим муассасаларида грантларни ва тўлов-контракт асосидаги ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 332-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 май

ИШДАГИ КАМЧИЛИКЛАР УЧУН ЎЗ ВАЗИФАЛАРИДАН ОЗОД ЭТИЛДИЛАР

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қўйи тизимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 июндаги «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаси қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам назорат ишлари олиб бормоқдалар. Йилнинг ўтган даври мобайнида республика давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан савдо шаҳобчалари ва бозорлар бўйлаб 8415 та текширув ўтказилди. Шу жараёнда 468 минг 821 қути акциз маркасисиз сигареталар, 60 минг 69 шиша алкоголли ичимликлар савдодан олиб қўйилди, кўплаб яширин ароқ цехлари фош этилди. Қонунбузарларга нисбатан 6,5 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Шу билан бирга олиб борилаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Хусусан, шу йил 16 майда Тошкент шаҳридаги бозорлар бўйлаб ўтказилган текширув давомида ҳамон акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар билан савдо қилиш ҳоллари давом этаётганлиги аниқланди. Айрим туман давлат солиқ инспекциялари фаолиятида рейд ва текширувлар мунтазам тус олмаган. Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари билан ҳамкорлик суст йўлга қўйилган. Ҳамза, Бектемир ва Акмал Икромов туманларидаги бозорлар бўйлаб Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари ўтказган текширув давомида шундай камчиликлар намоён бўлди.

Текширув якунлари бўйича ишдаги камчиликлар учун Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг муовини Б. Асомов, Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Ш. Турақулов, давлат солиқ инспектори Ғ. Аҳмедов ва Акмал Икромов тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғининг муовини Р. Тошбоев вазифаларидан озод этилдилар. Бошқа бир қатор раҳбар ходимларга ҳам интизомий жазо кўрилди.

Бозорлар ҳамда тижоратчи ва тадбиркорлар фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича тегишли тадбирий чоралар белгиланди. Доимий ишчи гуруҳлар мунтазам текширув ва назорат ишларини кучайтирмоқдалар. Ҳозир бутун эътибор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 майда қабул қилинган «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати



Чортоқ туманидаги Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзолари айни кунларда барча экинлардан мўл ҳосил олишга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, Алимхон Чўлпонқулова етакчилигидаги бригада аъзолари бу борада кўпчиликка ибрат бўлишмоқда. Бригаданинг ўн гектар майдонга экилган буғдойзори киши кўзини қамаштиради. Бўлиқ бошоқлар ҳар гектар майдондан мўл ҳосил олинишидан далолат бериб турибди. Миришкорлар 27 тонна дон топширишга аҳд қилишган. Бундан ташқари бригадада картошка, пиёз, узум ва бошқа экинлардан ҳам кўнгилдагидек ҳосил олинмоқчи. Ташаббускор бригада аъзолари фойдали экин, яъни маҳсар дони етиштиришга ҳам бел боғлашди. Чунки, бу экиннинг ҳам хўжаликка, ҳам ёғ-мой заводларига, ҳам халқимизга фойдаси борлигини улар яхши билишади. Улар тўрт гектар ерда маҳсар етиштиришяпти.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Алимхон Чўлпонқулова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

МАЪНАВИЯТ БАЙРАМЛАРИ

Мамлакатимизда маданият ва санъат намояндалари иштирокида ўзига хос маънавият байрамлари давом этмоқда. Республикамиз аҳолисини, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш, уларни ижод ва манъсат аҳлининг янги асарларидан баҳраманд этишга бағишланган бу тадбирлар Фарғона водийси вилоятларидан бошланди.

Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрган «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати, шоир Азим Суюн, шоирлар Турсуной Содиқова, Усмон Азим, таниқли артистлар Лутфулла Саъдуллаев, Гулчеҳра Саъдуллаева, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, хушовоз хонанда Азим Муллахонов маҳалла ва гузарларда қизиқарли учрашувлар ўтказдилар. Зеро, маҳалла чинакам тарбия ўчоғи, ёшларни ҳаётга тайёрлаш мактаби, жамиятнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ана шундай байрамлар Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бўлди. Уларда Ўзбекистон Миллий тикланиш партиясининг раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Муҳаммад Юсуф, санъаткорлар — Ёқуб Аҳмедов, Теша Муминов, хонандалар Нуриддин Ҳайдаров, Гулбаҳор Сулаймонова ва бошқалар қатнашди. Учрашувлар давомида истиқлолимиз ва истиқболимиз ҳақида, маънавият ва маданиятни юксалтириш, фарзандларимизни тарбиялаш ишларини яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар, истак ва таклифлар билдирилди.

(ЎзА)

Бу дунёнинг ишлари

«БУРУН» КОНЛАРИ ОЧИЛДИ

Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамкорлик бўйича давлат вазири Дуг Хендерсон «Бурун» гуруҳига кирувчи нефть конларини расмий очиш маросимида иштирок этишди. Туркманистон ҳукуматининг Англиядаги «Моньюмет ойл энд гэс» компанияси раҳбарияти ўртасида тузилган шартномага биноан 2000 гектарлик ҳудуд компанияга берилган эди. Конлардан чиққан маҳсулот иккига бўлиниши керак. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 1423 тонна нефть қазиб олинмоқда. «Моньюмет» компаниясининг президенти Тони Уокернинг айтишича, 1998 йилнинг охиригача кундалик нефть қазиб олиш даражаси бир кеча-кундузда уч ярим тоннага етказилади.

ҚЎШМА ШТАТЛАР КЕСКИН ҚОРАЛАМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Грузия ва Абхазия ҳарбий гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувларнинг кучайиб кетаётганлигини кескин қораламоқда. 20 май куни Абхазиянинг Гали туманида юз берган тўқнашувлар натижасида грузинлардан ҳам, абхазлардан ҳам бир қанча киши ҳалок бўлганди. Шу боис ҳам АҚШ маъмурияти бу ердаги вазиятнинг мураккаблашиб кетганлигидан ташвишга тушиб қолди. АҚШ раҳбарлари қарама-қаршилик юз берган жойга БМТнинг кузатувчиларини юборишни таклиф этди. Давлат департаменти эса томонларни ҳарбий ҳаракатларни давом эттирмасликка чақирди.

НЕФТЬ МУСТАҚИЛЛИГИ–

НАСИБ ҚИЛСА, БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ЧЕГАРАСИДАГИ ҚОРОВУЛБОЗОР НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИ ҚУРИБ ОЛСАК, БИЗ ЎЗИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ТАЪМИНЛАШДАН ТАШҚАРИ, НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ БОШҚА ДАВЛАТЛАРГА ҲАМ СОТИШИМИЗ МУМКИН. ҚАРАНГ, АГАР БИЗ БИТТА МУАММОНИ ҲАЛ ЭТСАК, ҚАНЧА ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭГА БЎЛАМИЗ.

Ислом КАРИМОВ,
1993 йил 13 сентябрь.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида хорижий сармояларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, «Биз тезроқ ўсмоқчи бўлсак, иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмоқчи бўлсак, авваламбор саноат, иқтисодни ривожлантирмоқчи бўлсак, қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, хорижий инвестициялар керак», дея таъкидлади. Шу маънода, мамлакатимизга кейинги 5-6 йилда тахминан 8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар киритилгани -- юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, чет эллик сармоядорлар учун қулай шароит яратилганидан, қолаверса, мутараққий давлатлардаги нуфузли компания ва фирмаларнинг бизга, иқтисодий салоҳиятимизга бўлган ишончидан далолатдир.

Буни 20-21 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг Уст-юрт минтақаси нефть-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» мавзуидаги халқаро конференция ҳам тасдиқлади. Дунёнинг 19 мамлакатидан келган 80 дан зиёд фирма ва компанияларнинг вакиллари Уст-юрт минтақасини тадқиқ этиш ишларида ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини изҳор этишди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимиз нефть ва газ саноати тизимида хорижий инвестициялар иштирокида улкан ишлар амалга оширилди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси Ёнилғи-энергетика комплекси раҳбари Қайим Ҳаққулов билан суҳбатимиз ана шу мавзуда, умуман, Ўзбекистонда нефть ва газ саноатини янги поғонага олиб чиқиш жараёни хусусида бўлди.

-- Қайим Жалилович, тараққиётимизнинг энг устувор вазифаларидан бири -- мамлакатимизнинг нефть мустақиллигига эришгани ҳар бир ватандошимизни қувонтиради. Лекин у бирданига бўлмаган, албатта. Бу оламшумул иш нимадан бошланган, бу жараённинг бошлангич нуқтаси қаерда?

-- Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг нефть ва газ саноати ривожида улкан ва жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу нафақат нефть, газ конденсати ва табиий газ қазиб олиш суръатларининг ўсишида, балки умуман мазкур саноат тармоғи таркибан замон талабига жавоб берадиган даражага кўтарилганида намоён бўлди. Муҳими, қилинган ишлар қисқа муддатда ўз самарасини берди -- 1995 йилга келиб мамлакатимизда нефть мустақиллигига эришилди.

Бу ютуқ мустақилликнинг биринчи йилларида республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ривожланиш тамойилларига асосланиб, босқичма-босқич қўлга киритилди. Нефть ва газ саноатига алоҳида эътибор берилиб, бу соҳа республика саноатининг устувор тармоқларидан бири дея белгиланди. Бу жараённинг бошланғич нуқтаси ҳақида гапирсак, кечагидек эсимда, 1992 йили Президентимиз Ислом Каримов нефть ва газ соҳаси мутахассисларини йиғиб бу борадаги мавжуд вазиятни теран таҳлил қилиб, ёнилғи мустақиллигига эришиш Ўзбекистон учун ҳаётмамот масаласидир, дея таъкидладилар. Бунинг учун эса нефть, газ конларини қидириш, қазиб олиш, қайта ишлаш, қувурлар ётқизиш ишларини ягона тизим -- миллий корпорация тасарруфига олиш керак, бу усул ўзини оқлаши турган гап, дедилар.

Шу йилиёқ Президентимизнинг Фармони билан собиқ марказ вазирликлари таркибида бўлган, кейинги йилларда улар томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган, тарқоқ ҳолда ишлаётган нефть ва газ қазиб чиқарувчи корхоналар, нефтни қайта ишлайдиган ва шу соҳаларга тегишли барча саноат тармоқлари тузилмаси тубдан ўзгартирилиб, нефть ва газ конларини қидирув ишларидан тортиб, тайёр маҳсулотни харидорга етказиб беришгача бўлган жараёнларни бирлаштирувчи ягона ишлаб чиқариш мажмуаси -- «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорацияси ташкил этилди.

Иккинчи навбатда қилинган иш -- бу «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган ва Президентимиз томонидан маъқулланган «1993 -- 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноатини ривожлантириш концепцияси» бўлди. У изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Кейинроқ корпорация томонидан иккинчи дастур «1995 -- 2000 йиллар мобайнида нефть ва газ геологик-қидирув концепцияси» ишлаб чиқилди ва бу борадаги ишлар ҳам бошлаб юборилди.

Натижада 1991 йилдан буён Ҳамдўстликнинг барча мамлакатларида нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмлари қисқаргани ҳолда, бизнинг корпорация нафақат унинг камайишига йўл қўймади, балки узлуксиз ўсишини таъминлади:

"Ўзбекнефтгаз" Миллий корпорациясида 1990-1997 йилларда нефт ва табиий газ қазиб чиқариш бўйича маълумот

	Ўлчов бирлиги	йиллар							
		1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Нефт (конденсат билан биргаликда)	минг тонна	2811	2832	3292	3999	5517	7587	7623	7891
%		100	100,7	117,1	142,3	196,3	269,9	271,2	280,7
Табиий газ	млрд. куб.м	40,7	41,8	42,8	45,0	47,2	48,7	49,0	51,2
%		100	102,7	105,1	110,5	115,9	119,6	120,4	125,8

Ушбу маълумотномадан кўриниб турибдики, **1997 йилда мамлакатимизда нефть қазиб чиқариш миқдори 1990 йилга нисбатан 2,8 марта, газ қазиб олиш эса 1,3 марта ошган. Агар 1991 йилда республикага ташқаридан (асосан Россиядан) қайта ишлаш учун 5,6 миллион тоннадан ортиқ нефть хомашёси, 1 миллион тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари келтирилиб, бунинг учун салкам 1 миллиард АКШ доллари сарф қилинган бўлса, 1995 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб ташқаридан нефть ва нефть маҳсулотлари олиб келиш бутунлай тўхтатилди. Яъни, 1992 йили юртбошимиз тамал тошини қўйиб берган ёнилғи мустақиллиги сиёсати амалга ошди. 1996 йилдан бошлаб республика истеъмолчиларининг эҳтиёжи ўзимизда ишлаб чиқарилган нефть, газ ва нефть маҳсулотлари ҳисобига тўла қондирилди.** Ҳатто уларни экспорт қилиш имконияти ҳам туғилди. Фақат 1997 йилнинг ўзида бир неча юз минг тонна автобензин, дизель ёнилғиси ва ҳар хил мойлар асосан Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинди. 1998 йилдан эса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида чиқарилаётган халқаро андозаларга жавоб берадиган, юқори сифатли нефть маҳсулотлари хорижий мамлакатларга экспорт қилина бошлади.

-- Шу ўринда мамлакат иқтисодиётини, хусусан, ёнилғи-энергетика комплексини ислоҳ қилишда хорижий сармояларнинг ўрни хусусида ҳам тўхталсангиз.

-- Албатта, эришилган натижалар осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бу ютуқлар замирида аввало Президентимизнинг нефть ва газ саноати ривожига алоҳида эътибори ва қолаверса, корпорацияга қарашли ташкилотларнинг кўпминг кишилик ишчи-хизматчиларининг фидокорона меҳнати ётибди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан Ўзбекистон нефть ва газ саноатини ривожлантиришда иккита стратегик-устувор йўналиш белгиланган эди. Бу нефть ва газ қазиб чиқариш миқдорини жадал ўстириш ҳамда нефтни қайта ишлаш жараёнини чуқурлаштиришдан иборатдир.

Биринчи йўналишнинг бажарилиши ҳақида батафсил айтиб ўтилди. Иккинчи йўналишни бажариш бўйича бир-икки мисол келтирай: Кўқдумалоқ конидан олинадиган нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш мақсадида Францияниг «Текнип» ва Японияниг «Марубени», «Джей-Джи-Си» компаниялар консорциуми билан ҳамкорликда ўта қисқа муддат -- 2 йилдан сал ортиқ вақтда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати қурилиб ишга туширилди. Жами ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқроқ миқдордаги капитал маблағ сарфланди. Ана шу маблағ валюта қисмининг 40 фоизини Ўзбекистон сармояси ташкил этади.

Завод йилига 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлаб, ундан сифат даражаси бўйича жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган бир неча юз минг тонна автобензин, дизель ёнилғиси, авиакеросин ишлаб чиқариш имконини беради. Ушбу заводнинг қурилиши учун кетган харажатлар 5 йилда қопланиши режалаштирилган.

Хўш, бу ишларни хорижий сармоялар иштирокисиз амалга ошириб бўлармиди? Йўқ. Чунки, замонавий технологияни жорий этиш учун ускуналар, жиҳозлар, бутловчи материаллар -- хуллас, кўп нарса сотиб олишга тўғри келади. Бундан ташқари, йўл ҳақи, чет эл мутахассисларига иш ҳақи тўлаш керак. Демоқчиманки, «ЎзДЭУавто», Бухоро заводи каби улкан иншоотларни хорижий инвестицияларсиз барпо этиш қийин. Кредитларни тўлашдан эса қўрқмаслик керак. Мақсад аниқ, лойиҳалашда ҳисоб-китоб пухта қилинган бўлса, ишлаб чиқариладиган товарга бўлган эҳтиёж, бозор конъюнктураси теран ўрганилса, харажатлар ҳеч қачон зое кетмайди. Мана, Бухоро заводи 5 йилда харажатларни қоплайди, деяпмиз. Энг муҳими, хорижий сармоялар, Ҳамдўстликдаги баъзи мамлакатлардан фарқли ўлароқ, лойиҳаларни бировга бутунлай бериб қўймаслик, заводфабрикаларни, иншоотларни сотиб юбормаслик учун имконият яратади. **Йўлбошчимиз Ислом Каримов бу ҳақда Олий Мажлис сессиясида шундай дедилар: «Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита ўзимиз топдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида ўртага қўйдик. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақсимоти қуйидагича: 40 фоизи ўзимизга тушяпти, 60 фоизи ҳозирча уларга тушяпти. Эртага ҳамма олган кредитларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсак, фойданинг юз фоизи ўзимизники бўлади. Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхоналарни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқсак, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва иқтисодий мустақиллигимизни хавф остида қолдирганимиз йўқ».**

Иккинчи мисол: ҳозир Японияниг «Мицуи» фирмаси билан биргаликда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилинмоқда. Бунинг натижасида завод таркибида катта миқдорда олтингугурт бўлган маҳаллий нефтни қайта ишлаш, бу жараённи янада чуқурлаштириш ва жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган даражадаги маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланибгина қолмай, одинаётган йиллик дизель ёқилғиси миқдорини 300 минг тоннага ошириш имкони ҳам вужудга келади. Шу билан бирга, завод йилига қўшимча 80 минг тонна юқори сифатли автобензин ҳамда олтингугурт ишлаб чиқаради.

Боя айтганимиздек, бу ишларнинг барчаси хорижий шериклар билан уларнинг молиявий иштирокида амалга оширилмоқда. Буни қуйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди:



Республикада нефть, газ ва газ конденсати қазиб чиқаришни етарли миқдорда, узлуксиз таъминлаш мақсадида Кўқдумалоқ, Олон, Ғарби, Урга ва бошқа конлар жиҳозланиб, маҳсулот бера бошлади. Шу билан бирга 1994-1995 йилларда Кўқдумалоқ конидаги нефть ва газни тайёрлаш комплекс ускуналари корпорация мутахассислари ва қурувчилари томонидан қисқа муддатларда ишга туширилди. Бу ускуналар йилига 3,8 миллион тонна нефтни ва 4,12 миллиард кубметр газни тозалаш ҳамда қазиб чиқарилаётган газдан 2,5 миллион тонна газ конденсати ажратиш имконини яратди. Бундан ташқари, Олон конида ҳам йилига 5 миллиард куб метр газни тозалашга мўлжалланган ана шундай ускуна ишга туширилди.

Ушбу конлардан қазиб чиқарилаётган газни олтингугуртдан тозалаб халқ хўжалиги истеъмолчилари ва аҳолига етказиб бериш мақсадида Муборак газни қайта ишлаш заводида ҳар бирининг йиллик қуввати 2 миллиард куб метр газни тозалашга мўлжалланган қўшимча учта блок ишга туширилиб, заводнинг умумий қуввати 24 миллиард куб метрга етказилди.

-- Қайим ака, мана шу ишларни кўриб, беихтиёр республикада шунча салоҳият, имконият бор экан-ку, нега узоқ йиллар давомида халқимиз, айниқса қишлоқ аҳолиси ғўзапоя ёқиб келди, деган савол туғилади...

-- Мустақиллик арафасида республикани газлаштириш даражаси ниҳоятда паст эди. Лекин ўтиш даври мураккабликларига, молиявий тақчилликка қарамай, бу борада катта ишлар амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг биринчи йилиёқ қабул қилинган республика қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Президент Фармони бу ишда дастуриламал бўлди, десак хато қилмаймиз.

Боя айтганимиздан ташқари, республика аҳолисини ва бошқа истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан таъминлаш мақсадида Шўртан конида 1997 йилда қуввати йилига 60 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган ускуна қурилиб ишга

ТЕАТР – ТАФАККУР МАЙДОНИ

Санъат оламида

Ҳар бир ҳақиқий саҳна асари томошабинга эстетик завқ бағишлаши баробарида, унинг маънавий дунёсини бойитади, фикрлаш қобилиятини кучайтириб, тасаввур доирасини кенгайтиради. Буларнинг барини буюк Аристотель «фориғланиш» («катарсис») ибораси билан боғлаган эди.

Гарчанд, Аристотель бу иборани фақат фожиа (трагедия)га нисбатан берган бўлса-да, уни барча асл санъат асарларига, хусусан, саҳна асарларига нисбатан қўллаш мумкин.

Эстетикада беш юз хилдан кўпроқ талқинга эга бўлган фориғланиш тушунчаси мавжуд бўлиб, уни умумий тарзда қўрқув, ачиниш, ҳадик ва ҳамдардлик сингари туйғулар орқали рўёбга чиқадиган ҳолат, яъни инсон қалбининг тозариши, деб изоҳлаш қабул қилинган. Тасаввурингизга келтиринг: Сиз «Отелло» спектаклидан чиқдингиз дейлик. Шундоққина кўз ўнгингизда фожиа рўй берди. -- покдамон ва гўзал Дездемона ҳалок бўлди, буюк муҳаббат эгаси, лекин ишонувчан, оққўнгил Отелло ўзини ўлдирди. Ана шу ачиниш, ҳамдардлик туйғуси анча вақтгача қалбингизни майда ҳислардан фориғлантиради, уни юмшатади, унга ҳалмлилик бағишлайди. Энди аввал сизни ларзага солиб турган ҳодисаларнинг нақадар майда эканини англайсиз: энди олган қарзини бермай, чўзиб юрган оғайнингизга ёки электр қуввати учун тўланадиган ҳақнинг бирдан ошганига ёҳуд яна бир бошқа шундай воқеага нисбатан бўлган ғазабингиз шу заҳоти йўқолади, турмушнинг майда ташвишларидан юқори кўтариласиз, йириклашасиз, аввалги торлигингизга ҳайрат билан қарайсиз: шундай буюк инсонлар, буюк ғоялар олдидаги ўз майдакашлигингиздан уялиб кетасиз, ҳатто.

Бундай фориғланиш фақат фожиа спектакллар орқали рўй бермайди. Қадимги хитойликлар, хусусан, буюк мутафаккир Ли Юй кулги ҳам фориғлантириш хусусиятига эга эканлигини айтиб, инсон кула туриб, ўзидаги ўтмиш билан хўшлашади, янгиланади, тозаради ва қалбан яшаради, деб таъкидлайди. Демак, икки буюк аллома бир бирини тўлдирган ҳолда, театрнинг фориғлантириш жиҳатига катта аҳамият беради.

Театр санъатининг яна бир кучли жиҳати шундаки, спектаклдаги воқеалар томошабиннинг кўз ўнгида, жонли тарзда рўй беради ва унда томошабин беихтиёр иштирок этади. Бунинг устига бир саҳна асари ҳар гал қўйилганида, актёр истеъдодининг тугёни натижасида, янги спектакль тарзида намоён бўлади. Зеро, Аброр Ҳидоятов Отелло ролини беш юз мартадан ортиқ ўйнаган экан, унинг қиёфасини янгидан яратган ва «Отелло» беш юз мартадан ортиқ саҳнада янгидан қўйилган деб бемалол айтишимиз мумкин.

Театрда бадиий адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, рақс, қўшиқчилик, нотиқлик сингари санъат турлари ягона маконда -- саҳнада спектакль деган ном билан тажассум топади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги пайтда театр қадар муҳим тарбиявий санъат тури йўқ десак янглишмаган бўламиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг театр санъатини ривожлантириш борасидаги Фармони давлатимиз олиб бораётган маънавий соҳадаги оқилона сиёсатнинг, «Олтин мерос» жамғармаси, Бадиий академия, музейлар ҳақидаги қатор фармон ва қонунларнинг ҳам тадрижий давоми, амалий кўринишидир.

«Ўзбек-театр» бирлашмаси драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар, «Артмадад» жамғармаси ташкил этилишининг ўзиёқ бу Фармоннинг мамлакатимиз маданий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатади. «Театр» ойлик бадиий-адабий, ахборот-реклама журналининг нашр этилиши эса, маънавий тараққиёт борасида ҳам мамлакатимиз жаҳондаги давлатлар қаторидан ўрин олиш йўлидан дадил бораётганига далолатдир.

Мамлакатимизда 36 профессионал давлат театри фаолият кўрсатяпти. Очиғини айтиш керакки, бу ижодий ташкилотлар шу пайтгача асосан санъаткорларнинг фидоийлиги, ўз касбига муҳаббати туфайли мавжуд эди. Эндиликда театрларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш, театр ижодкорларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш ижодкорлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг мамлакатимиз ва чет элларда билим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш сингари муҳим тадбирлар аниқравшан белгилаб берилган тарихий ҳужжатга эгамиз.

Мулоҳазаларимиз сўнггида шуни таъкидлаш лозим: барча мутасадди ташкилотлар, вазирликлар, айниқса Молия вазирлиги, умуман, бутун жамиятимиз мазкур фармоннинг моҳиятини чуқур англаб етишимиз керак. Унинг моҳияти эса театрнинг тенгсиз тарбия маскани экани билан боғлиқ. Зеро, буюк давлат қураётган миллатнинг ҳаётини театрларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Эркин УМАРОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ этика ва эстетика кафедрасининг мудири, профессор.
Абдулла ШЕР,
катта ўқитувчи.

ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАР ҚУЧДИ

Фарғона вилояти пиллакорлари давлатга 3.060 тонна аъло сифатли саноат хомаёшси етказиб бердилар. Вилоятдаги аксарият хўжаликлар пилла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини ортиғи билан бажардилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 26 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	*54,88*
1 Австрия шиллинги	*7,09*
1 Англия фунт стерлинги	*143,16*
10 Бельгия франки	*24,18*
1 Голландия гульдени	*44,27*
10 Греция драхмаси	*2,91*
1 Дания кронаси	*13,10*
1 БАА дирҳами	*23,89*
1 АҚШ доллари	*87,76*
1 Миср фунти	*25,79*
1 Ирландия фунти	*125,40*
1 Исландия кронаси	*1,24*
10 Испания песети	*5,87*
100 Италия лираси	*5,06*
1 Канада доллари	*60,52*
1Хитой юани	*10,60*
1 Қувайт динори	*291,08*
100 Ливан фунти	*5,80*
1 Малайзия рингити	*23,09*
1 Германия маркаси	*49,89*
1 Норвегия кронаси	*11,84*
1 Польша злотийси	*25,81*
10 Португалия эскудоси	*4,89*
1 Сингапур доллари	*53,45*
1 СДР	*117,95*
1000 Туркия лираси	*0,34*
1 Финляндия маркаси	*16,43*
1 Франция франки	*14,88*
1 Швеция кронаси	*11,44*
1 Швейцария франки	*59,84*
1 ЭКЮ	*98,12*
10 Жанубий Корея вони	*0,64*
10 Япония иенаси	*6,42*
1 Россия рубли	*14,25*
1 Украина гривнаси	*42,72*
1000 Беларусь рубли	*2,47*
1 Латвия лати	*147,00*
1 Литва лити	*21,94*
1 Молдова лейи	*18,55*
1 Қирғизистон соми	*4,41*

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ПУЛ ҚАДРИ

Банк тизими ва ислоҳот

Саккиз-ўн йилча бурун ғалати гаплар қулоққа чалинарди:

-- Э, шу пулларимизнинг қадри пўчоқча бўлмай қолди-ку...

-- Пул қадрсизланиши қанақалигини билмаган эканмиз...

-- Бор пулига ул-бул нарса олиб қўйган ютади...

-- Омонат банкига пул қўйган ютқазди-ёв...

Пулнинг қадрсизланиши кўпчиликни таҳликага солиб қўйган, ишлаб чиқариш соҳаларини бир қадар «издан чиқариш»гача олиб борган эди. Бирор оилада, рўзғорда иқтисод «издан чиқиши» қанчалик аянчли туюлади. Улкан бир жамиятда-чи? Ойлаб маош ололмасанг, олган пулинг қадри бўлмаса, топганингга ёлчитиб бирор нарса харид қилолмасанг...

Ўша кезлариёқ кўпчилик банк тизими қанчалик мураккаб ва масъулиятли соҳалардан эканини яққол англаб етган бўлса ажабмас. Магар, банкларимиз кўнгилдагидек фаолият кўрсата олмаса борми, қишлоқ хўжалигидан тортиб саноат соҳасигача, транспорт, алоқа, қурилиш, қўйингки, бирор соҳанинг ривожланиши мумкин эмаскан.

Ҳукуматимиз қарорига биноан «Мевасабзавотбанк» ташкил қилинган кезларидаёқ бу тизимни такомиллаштириш, ривожлантириш мақсадида икки йилгача турли солиқ тўловларидан озод қилинган эди. Бу имкониятдан оқилона фойдаланган мазкур банкнинг Қибрай бўлими ходимлари дарҳол ўзларига яраша пухта замин тайёрлашга эришдилар. Қисқа фурсатлардаёқ банк тўлиқ компьютерлаштирилди. Илғор технологияни маҳорат билан бошқариш учун ходимлар малакаси оширилди. Янгича иш усули жорий этилди. Шунга яраша интизом мустаҳкамланди. Даромадга яраша буромад, деганларидек, янгича ишлаш режалари амалга ошгач, иқтисодий база ҳам кўнгилдагидек бўла бошлади. Ҳисоб-китоблар, пул ўтказиш, қабул қилиш ишлари амалга оширилишида электрон алоқа тизими қўл келди. Тошкент вилоятидаги Қибрай туманида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги оша бошлагани аён сезилди. Бунда албатта банк ходимларининг хизматлари алоҳида экани сир эмас...

-- Сўнгги йилларда бирор нафақахўр «вақтида нафақасини ололмаётгани»дан шикоят қилгани йўқ. Қарилик нафақаси, болаларга, оналик таътилидаги аёлларга, ногиронларга тўланадиган нафақаларни ҳар ойнинг белгиланган куниёқ етказиб беряпмиз, -- дейди бўлим бошлиғи Вазирахон Каримбердиева. -- Иш ҳақларини эса ҳар бир ташкилот, корхона билан шартномамизга кўра ойда икки маротабадан тўлаймиз.

Ҳа, айни пайтда 500 дан ортиқ мижоз, яъни, меҳнат жамоаларига кўнгилдагидек хизмат кўрсатишга эришаётган бу банк ходимларининг ўзига хос ютуқлари ҳақида илиқ фикрлар айтиш мумкин.

Меҳнаткашларга вақтида маошлари, пенсия ва нафақа пуллари етказиб бериляптими, демак, банк ходимлари ўз вазифаларини рисоладагидек адо этишмоқда. «Мевасабзавотбанк» Қибрай бўлими жамоаси ҳар қандай шароитда ҳам масъулиятли вазифаларни бажариш билан бир қаторда ўзларига яраша тадбиркорлик билан ҳам шуғулланаётир. 115 миллион 517 минг сўмлик қисқа муддатли облигация олиб, бир йилдаёқ 15 миллион 974 минг сўм ютуққа эришилди. Умуман, мазкур банкнинг ўтган йилги соф фойдаси 31 миллион 338 минг сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу рақам 17 миллион 568 минг сўмга етгани қувончли ҳолдир.

Замона зайли -- тадбиркорнинг майлига яраша! Бугунги кунда тадбиркор, ишбилармон ютади! Ишбилармоннинг ишлари юришиб кетавериши учун эса жамики имкониятлар мавжуд. Дейлик, банк тизимида ҳам ҳиссадорлик усули аллақачон ўзини оқлаган. Мазкур банк «қад ростлаши»да ҳам худди шу усул қўл келди. Қибрай туманидаги ўнлаб ҳиссадорлар билан узвий алоқада фаолият кўрсатаётган банк муайян ютуқларга эришаётгани баайни ҳақиқат.

Ҳар қандай янгиликка муносабатлар турлича бўлиши мумкин.

Юрт равнақини кимдир маънавий бойликларимиз билан баҳоласа, бошқа бировлар моддий фаровонлик билан ўлчаши турган гап. Юртимиз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ маънавий қадриятларимиз росмона қадр топа бошлагани кўнгилларимизни тоғдек кўтарган бўлса-да, иқтисодиётдаги айрим қийинчиликлар, ўтиш даври муаммолари айримларни «таҳлика»га солиб қўяётган бўлиши мумкин. Бироқ, у кунлар ортда қолди. Иқтисодиётда анча-мунча ўзгаришлар, олға силжишларни ҳам кўра билиш керак. Буни оддий халқона тилимизда шукр қилиш керак, деймиз. Бугун миллий пулимиз қадрсизланаётгани ҳақида гап-сўзларга ўрин бўлмаса керак. Меҳнатга яраша рағбат, нақд пул олди-бердиси ёмонмас. Ойлаб маошсиз қолаётганлар йўқ ҳисоби. (Мабодо, қайсидир туманда шунақа ачинарли ҳол рўй бераётган бўлса, бунга ўша ердаги маҳаллий раҳбарлар, иқтисодчилар, банк ходимлари айбдор экани кундай равшан). Меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда «пул айланма ҳаракати»ни рисоладагидек йўлга қўйиш бобида қибрайликлар тажрибаси ўзига хос мактабдир, десак муболаға бўлмайди.

Пулимиз қадри ҳақида бугун ҳам аломат гаплар қулоққа чалинади:

-- Хайрият-ей, яна пул кўргандек бўляпмиз!..

-- Омонатларимизни энди бемалол банкларга қўяверсак бўлар-ов...

-- Сўмимиз ҳадемай дунёга чиқса, долларни доғда қолдирса неажаб!..

Тўлқин ЭШБЕК,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: «Мевасабзавотбанк» Қибрай бўлими бошлиғи Вазира Каримбердиева иш устида.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

Жиноят ва жазо

ЁМОНТЕЛПАК ФОЖИАСИ

Ўтган йили Ургут туманида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиа юз берди. Бу мудҳиш жиноятни Бахтиёр Худойбердиев, Асатилла Маҳмудов, Турсунпўлат Худойбердиевлар гуруҳи амалга оширди.

Бахтиёр 1967 йилда «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг Ёмонтелпак қишлоғида туғилган. Асатилла Тайлоқ туманининг Бутвой қишлоғида яшайди. Турсунпўлат эса Бахтиёрнинг ҳамқишлоғи, яқин қариндоши. Учовлари ҳам жамоа хўжалигида ишлайди. Бахтиёр илгари судланган.

Бахтиёр ва Турсунпўлат 1997 йил 2 март куни Тожикистон Республикасининг Панжикент туманига қарашли Камар қишлоғида истиқомат қилувчи таниши Холбой Тоғбоевникига борди.

Шу куни Холбой Тоғбоев қарийб бир ярим килолик қора дорини ўғли Олим Тоғбоев ва қўшниси Илҳомиддин Расуловнинг белига икки бўлиб боғлаб, «мол»га келган меҳмонлар билан биргаликда ярим кечаси йўлга чиқарди. Улар республикамиз божхона назоратини четлаб, Ургут туманига ўтдилар.

Тўрт оғайни «ботир»лар 3 март куни соат мили ўн бирни кўрсатганда Бахтиёрнинг уйига кириб келди. Бироздан кейин дарвозада Холбой Тоғбоев ҳам пайдо бўлди. Нашафурушлар аввал ҳордиқ чиқаришди. Кейин овқатланишди, қиттай-қиттай тортишди ва, ниҳоят, қора оғуни пуллаш режаларини тузишди.

Кечга бориб эса Бахтиёрнинг ҳаёли ўзгарди. «Меҳмонларнинг учаласини ҳам асфаласофилинга жўнатишим керак, -- кўнглидан ўтказди у, -- уларни бу ерда ким ҳам суриштириб ўтирибди, шунда пулнинг ҳаммаси ўзимники бўлади...»

Бахтиёр қора дорига харидор топиш баҳонасида Холбой Тоғбоевнинг машинаси рулига ўтирди. Олим Тоғбоев, Илҳомиддин Расулов, Турсунпўлат Худойбердиев, Асатилла Маҳмудовлар ҳам машинага таклиф қилинди. Фақат Холбой Тоғбоевгина уйда қолди. Улар Ўроқбойжар ва Бутвой қишлоғи ўртасидан оқиб ўтадиган Дарғомга етиб келдилар. Бахтиёр кутилмаганда машинани тўхтатди. Аввалига машинадан хавотирланиб тушган Олимни, сўнгра Илҳомиддинни қўлбола тўппончаси билан отиб ташлади. О. Тоғбоев шу заҳотиёқ жон таслим қилди.

И. Расуловга эса яна ўқ узишга тўғри келди. Шунда ҳам ўлмаётганини кўрган Асатилла катта тош билан унинг бошига урди. Уч жиноятчи икки мурдани катта шудгор ўртасидан чала қабр кавлаб кўмишди.

Улар уйга қайтиб келганларида Холбой Тоғбоев анча хавотирланиб ўтирган экан. У мезбонларнинг авзоидан қути учиб ўрнидан қўзғалди.

-- Ўғлим қани? Олимжон қаёқда қолди? Илҳомиддинчи?...

Уйни тўлдириб жаранглаган бу саволларнинг қолгани бечора меҳмоннинг бўғзида қолди. Бахтиёр хотини ва қариндоши Эркин Юнусовнинг кўзи ўнгида Х. Тоғбоевга бояги тўппончадан ўқ узди. Меҳмоннинг тезроқ жон таслим этмаётганидан ташвишга тушган Асатилла таёқ билан унинг боши ва бўйнига қаттиқ урди. Кўзи қонга тўлган қотиллар охири Х. Тоғбоевни сим билан бўғиб ўлдирдилар.

Қотиллар фожиа содир этган кечаси Х. Тоғбоевга тегишли бўлган «Жигули» машинасини Тожикистон ҳудудига ташлаб келишди. Шу йўл билан жиноий ишларини яширмоқчи, маъмурий орган ходимларини чалғитмоқчи бўлишганди.

Марҳумнинг қариндошлари машинани эгасиз кўриб, қаттиқ қайғурдилар. Тўқайларни кезиб жигаргўшаларини ахтардилар.

Қиғир ишнинг эса қирқ эмас, йигирма беш - йигирма олти кунда қийиғи чиқди. Жиноятчилар қўлга олинди. Бахтиёр Худойбердиев ва Асатилла Маҳмудов олий жазога, Турсунпўлат Худойбердиев узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Шайтон тўғри йўлдан оздирган жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини олди. Лекин, марҳумлар ва қотиллардан орқада қолган ўн-ўн беш ёшли болаларга ким оталик меҳрини беради? Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, қишлоқ оқсоқоллари ён-веридагиларнинг бутун хатти-ҳаракатларини кўраб

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

туширилди. Бу ускунанинг ишга туширилиши республикада ишлаб чиқариладиган суюлтирилган газнинг йиллик ҳажмини 110 минг тоннага етказиш имконини берди, ваҳоланки, илгари бу маҳсулот четдан, асосан Россиядан валютага келтирилар эди. Сўнгги йилларда Оренбургдан келтириладиган 1 тонна шундай газнинг нархи 200-220 долларга чиқиб кетди.

Кўкдумалоқ кони газидан олинадиган конденсат миқдорини ошириш учун газ қатламининг босими камайишини олдини олиш мақсадида бу коннинг газ қисмини ишлатишда мутахассислар томонидан илғор технология -- «Сайклинг» жараёнини қўллаш тавсия қилинди ва уни амалга ошириш учун қуввати жиҳатидан ҳозирча дунёда ягона ҳисобланган 500 атмосфера босимга мўлжалланган компрессор станцияси қурилиб, 1997 йил июль ойида ишга туширилди. Бу станцияни қуриш ва ишга тушириш ишлари АҚШнинг «Келлогг» ва Японияниг «Нишо Иваи» компаниялари билан биргаликда амалга оширилди.

Конларимиздан олинаётган табиий газ таркибида фойдали компонентлар миқдори талайгина. Бу эса ундан энг аввало кимёвий хомашё сифатида фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадда 1998 йилда «АББ Луммус Глобал» (АҚШ), «Мицуи», «Нишо Иваи» (Япония) компаниялар консорциуми ҳамкорлигида Шўртан газ кимё мажмуи қурилиши бошланди. Уни 2000 йилда ишга тушириш режалаштирилган. Бу йилига 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва 37 минг тонна енгил конденсат олишни таъминлайди.

Сизнинг саволингизга келсак, республикамиз нефть ва газ саноатини ривожлантириш ҳақида сўз юритганда, яна бир нарсага эътибор бериш керак. Собиқ шўролар даврида республикамиз ҳудудида бир неча катта ва кичик газ конлари очилган эди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган Газли, Жанубий Муборак, Жарқоқ, Карим ва Қорақум газ конлари шулар жумласидандир. Бу конларнинг энг каттаси Газли кони бўлиб, унинг заҳираси 500 миллиард куб метрдан ортиқроқ эди. Ҳаммамизга маълумки, олтмишинчи йилларда ўша конлардан олинган газ минглаб километр узоқдаги Россия истеъмолчиларига юборилиб тугатилган. Ваҳоланки, газ қувурлари шундоққина маҳаллаларидан ўтган мазкур вилоятлар аҳолисининг аксарияти газ нималигини билмаган. Қолаверса, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси собиқ иттифоқ даврида ўзимизда шунча газ бўлишига қарамасдан Туркманистон газидан фойдаланиб келган. Бунга ўхшаш мисоллар кўп.

Бундай вазиятни тузатиш борасида мустақиллик йилларида талайгина ишлар амалга оширилди. Хусусан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини Ўзбекистон гази билан таъминлаш мақсадида узунлиги 350 километр бўлган Газли -- Нукус магистрал газ қувури ётқизилди ва тезкор суръатларда Урга кони жиҳозланиб ишга туширилди.

Тошкент вилояти ва Фарғона водийси истеъмолчиларини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 300 километр узунликдаги Пахтакор -- Янгиер -- Тошкент газ қувури қурилиши ниҳоясига етмоқда. Янгиердаги компрессор станциясида янги 7 та газ ҳайдаш агрегатлари ўрнатилди ва ишга туширилди. Бундай кўрсаткич, яъни 7 та компрессорнинг ишга туширилиши мамлакатимиз тарихида мислсиз воқеа! Чунки, мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтсам, атиги иккита компрессорни реконструкция қилиш масаласи шўро даврида бир неча йилларга чўзилган эди. Мана, Андижон вилоятида улкан ерости газ заҳираси -- омбори бунёд этилмоқда. Ўша даврда ана шу омборни қуриш масаласи, ҳозир одам тасаввур қилиши қийин, 18 марта кўтарилган эди! Лекин СССР Газпроми бу масалани ҳал этмаган! Менимча, бу ерда ҳеч қандай изоҳга ўрин бўлмаса керак. Шунингдек, 420 километр узунликдаги Муборак -- Ғаллаорол -- Янгиер газ қувури қурилишининг лойиҳа ишлари ҳам бажарилмоқда. Мустақил бўлмасак, ўз бойлигимизга ўзимиз эгалик қилмасак, бу ишларни уддалаб бўлармиди!

Буни қарангки, **республиканинг деярли барча конлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган бўлишига қарамай, 1992 йилда Бухоро вилояти аҳолиси 20,8 фоиз, Қашқадарё вилояти аҳолиси 44,7, шу жумладан, қишлоқ аҳолиси Бухорода 6,6 ва Қашқадарёда 24,7 фоиз газлаштирилган экан, холос.**

1997 йилга келиб Бухоро вилояти 45,1 фоиз, шу жумладан, қишлоқ аҳолиси 33,3 фоиз ва Қашқадарё вилояти 67 фоиз, шу жумладан, қишлоқ жойларида 56,5 фоиз газлаштирилиши таъминланди.

Республика аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражасини 1997 йилда 1991 йилга нисбатан 44,6 фоиздан 69 фоизга, шу жумладан, қишлоқ аҳолисини 18,4 фоиздан 55,8 фоизга етказишга эришилди.

Мустақиллик йилларида республикада газлаштириш ишларини яхшилаш учун жами 32,6 миллиард сўм, шу жумладан, аҳолини газ билан таъминлаш учун 9 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди.

Кўриниб турибдики, соҳа бўйича қилинаётган ишлар республиканинг нефть, газ ва улардан олинадиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришгагина қаратилган бўлмай, табиий бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ва импорт эҳтиёжларини камайтириш каби масалаларни ҳам ҳал этишни кўзда тутади.

Қуйидаги жадвалга назар ташласак, мамлакатимизга нефть ва нефть маҳсулотларини импорт қилиш босқичма-босқич камайиб борганини кўрамиз:

-- Нефть мустақиллигига эришишнинг тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги, айниқса келажагимиз учун аҳамияти хусусида ҳам гапириб берсангиз.

-- Маълумки, ёқилғи-энергетика комплекси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг таянч соҳаси ҳисобланади. Чунки халқ хўжалигининг қайси бир тармоғини олманг, у энергиясиз, ёнилғисиз фаолият кўрсата олмайди. Иқтисодий тараққиёт ёқилғи-энергетика ривожи билан бевосита боғлиқдир. Шу маънода, республика ёнилғи-энергетика балансида нефть, табиий газ ва нефть маҳсулотлари -- 81 фоиз, электр энергияси -- 13 фоиз ва кўмир -- 6 фоизни ташкил этиши бежиз эмас. Йирик электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи станцияларда асосан газ ва мазутдан фойдаланилади.

Ҳеч кимга сир эмас, нефть ва газ қазиб чиқариш жуда оғир иш, нефть ва газ конларини қидириб топиш ундан ҳам мушкул. Шу соҳанинг мутахассислари орасида, ер остидан бир тонна нефть ёки 1000 куб метр газ қазиб олдингми, уларнинг заҳирасини 3 баробар миқдорда кўпайтириб, тайёрлаб қўй, деган ёзилмаган қонун бор. Акс ҳолда, нефть ва газ заҳиралари маълум вақт ўтгандан сўнг батамом тугаб кетиши мумкин.

Яна бир гап. Мустақиллик йилларида аҳолининг яшаш даражаси ошиб бориши ҳамда Асака шаҳрида автомобиль заводи ишга тушиши боис республикамизда йилдан-йилга шахсий автомобиллар сони ҳам ортиб бормоқда. Демак, уларнинг юқори сифатли ёнилғига бўлган эҳтиёжи ҳам ортади.

-- Шу ўринда аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари хусусида ҳам тўхталсангиз. Чунончи, ёнилғи қуйиш шаҳобчаларига электрон ўлчагичлар ўрнатилса бўлмайдими? Бу кўпчиликнинг кўнглидаги савол...

-- Аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини янада яхшилаш мақсадида 1996 йилдан бошлаб давлат тасарруфида бўлган 600 дан ортиқ ёнилғи қуйиш шаҳобчалари /АЁҚШ/ хусусийлаштирилди.

Бироқ кўпгина хусусий фирма эгалари ва тадбиркорлар ўз тасарруфида бўлган АЁҚШларни қайта таъмирлаш, янги турдаги ёнилғи қуйиш колонкаларини ўрнатиш, кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш бўйича олган мажбуриятларини бажармаяптилар, «Саида -- Ҳамид», «Ўзюксель», «Экогеот», "Виртех-Ойл» каби фирмалар томонидан хусусийлаштирилган АЁҚШларнинг техник ҳолати эса яхшиланиш ўрнига ёмонлашди. Натижада ўрнатилган талаб даражасига жавоб бермаган 150 дан ортиқ АЁҚШларнинг иш фаолияти тўхататилди.

Жиззах вилоятида жойлашган «Улуғ Бек», «Сайдулла ота» хусусий фирмалари, Сурхондарё вилоятида жойлашган «Малик», «Жавоҳир», «Сайроқ» ва бошқа бир қанча фирмаларга тегишли АЁҚШларда сифатсиз автобензин сотилгани учун жами икки миллион сўм жарима солиниб, ҳужжатлар тегишли органларга берилди.

«Виртех-Ойл», «Экогеот», «Нефтесервис» каби фирмалар республика ташқарисидан келтирилган нефть маҳсулотларини ўзларига тегишли АЁҚШларда сотмасдан, уларни бошқа фирмаларга улгуржи сотишлари натижасида хусусий АЁҚШларда сотилаётган автобензин нархи бир неча баробар ошиб кетмоқда.

Албатта, бундай ҳолларга барҳам бериш, айрим қаллобликларнинг пайини қирқиш учун муайян ишлар олиб борилмоқда. Мисол учун «Ўзбекнефтьгаз» корпорациясининг «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» бирлашмаси ҳамда Малайзиянинг «Пробади Сендриан Берхад» компанияси ўртасида тузилган «ЎзМалойл» қўшма корхонаси пойтахтимизнинг Юнусобод даҳасида замонавий электрон ўлчагичлар билан жиҳозланган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасини қуриб ишга туширди. Ушбу шаҳобчада ўрнатилган махсус электрон таблоларда харидорларга сотилаётган бензин миқдори граммигача ва унинг қиймати тийинигача кўрсатиб турилади.

«Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси тасарруфидаги шаҳобчаларда аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини янги поғонага кўтариш мақсадида уларни ана шундай ускуналар билан жиҳозлаш дастури ишлаб чиқилган ва бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Халқ хўжалиги тармоқларида табиий газ ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш борасидаги ишларни ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида Ёнилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Бу комиссия мажлисларида республика вазирлик ва идоралари раҳбарларининг ҳисоботлари кўриб чиқилиб, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ишлари қатъий назорат қилиб борилмоқда.

Республика ҳудудида ёнилғи-мойлаш материаллари сотилишини тартибга солиш мақсадида ушбу комиссиянинг қарори билан фуқаро ва турли фирмалар томонидан янги АЁҚШлар қурилиши ёнғин ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда экология талабларига жавоб берган ҳолда «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси ва тегишли вилоят ҳокимлиги рухсати билан амалга оширилиши шарт. Бу талабларга жавоб бермаган АЁҚШларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Республика миқёсида шахсий автомобиль эгаларига сотилаётган автобензин миқдори етарли бўлишига қарамасдан, афсуски, кўчаларда айрим шахслар томонидан автобензинни ғайриқонуний сотиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан «Ўзнефтгазназорат» ходимлари иштирокида мунтазам равишда иш олиб борилмоқда, биргаликда рейдлар уюштирилмоқда. Ҳар бир ўғрилик, қонунбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жазоланиб, тегишли материаллар маъмурий идораларга топширилмоқда.

Ички бозоримизда маҳсулот кўпайгани, рақобат кучайгани сари бу каби камчиликлар барҳам топиб кетади, албатта.

Суҳбатимиз ниҳоясида айтмоқчи эдимки, Ўзбекистоннинг ёнилғи-энергетика соҳасида четга қарамликдан қутилгани истиқлолимизнинг яна бир неъмати, шарофатидир. Зеро, нефть мустақиллиги барпо этаётган буюк давлатимизнинг мустаҳкам пойдевори, бақувват устуни бўлиб, халқимизнинг фаровон келажаги учун хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Аҳмад ХЎЖА (ЎзА)

5 6 7 8

Хабарлар рад қилинди

«Туркиянинг ядро қуроли ишлаб чиқариш режаси йўқ». Туркия ташқи ишлар вазирлиги мазкур мавзуда газеталарда пайдо бўлган хабарларни рад этар экан, шундай баёнот тарқатди.

Баёнотда айтилишича, Туркия ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномани имзолаган ва бошқа давлатларни ҳам унга қўшилишга даъват қилади. Зеро, мазкур ҳужжатнинг барча давлатлар томонидан имзоланиши сайёрамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гаровидир, дейилади баёнотда.

Раббоний ҳужумга даъват этди

Афғонистонда толибон гуруҳи билан уларга қарши курашаётган Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари ўртасидаги жанглар давом этаяпти. Куни кеча Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари Кобул аэропортини замбараклардан ўққа тутди. Натижада аэропортга жиддий шикаст етди.

Маълумотларга қараганда, ракета ҳужумидан кейин икки томон ўртасида қаттиқ жанг бошланган. Қуролли тўқнашувлар асосан шимолий вилоятлар — Тоҳар ва Бағлон вилоятларида кечмоқда.

Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний радио орқали ўз тарафдорларини толибон кучларига қарши ялпи ҳужум уюштиришга даъват этди.

СУХАРТО КОРПОРАЦИЯСИ ҲАБИБИЙ КОРПОРАЦИЯСИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ МУМКИНМИ?

«Ассошиэйтед Преес» матбуот агентлиги Индонезиядаги ҳокимият ўзгаришини баҳолаб, Баҳориддин Юсуф Ҳабибий Сухартонинг ўзи, оиласи ва дўстларига тегишли Президентлик лавозимини эгаллади, деб ёзади. Сухарто оиласи автомагистраллар, аэрокортлар, банклар, молиявий корпорациялар ва миллий автомобилларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг хўжайинидир. Сухарто атрофидагилар Индонезия иқтисодиётининг барча соҳаларига қўл чўзишган эди.

Яқингинада Сухарто оиласи халқаро валюта жамғармасининг тазйиқи остида ўз иштаҳасини бироз чеклаган эди. Бироқ унинг чиннигул ёғи ишлаб чиқарадиган монополиясидан воз кечиши Сухартонинг 32 йилдан буён олтин ёғилиб турган бойлигига жиддий зарар етказа олмади.

Ўзининг шахсий иқтисодий империясига эга бўлган Ҳабибий давлат ҳокимияти орқали бойлик орттиришга чек қўя олмаса керак. Чунки, Ҳабибийнинг ўзи Индонезиядаги энг катта бойлардан бири. Собиқ вице-президент мудофаа ишлаб чиқаришни, давлат авиасозлик компаниясини ва бошқа юксак технологик лойиҳаларни шу пайтгача қўллаб-қувватлаб келган эди. Сухарто эса истеъфога чиқишга рози бўлишдан олдин ўзининг ва оиласининг манфаатлари сақлаб қолинишини шарт қилиб қўйган эди. Мудофаа вазири генерал Виранто эса армия бундан буён ҳам Сухарто ва унинг оиласини ҳимоя қилади, деди.

ГЕРМАНИЯ. НАЙБРАНДЕНБУРГ ШАҲАРЧАСИ

МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНИШИГА УМИД БОР

Америка яҳудийлари конгресси АҚШ Президенти Билл Клинтонни Кубага нисбатан бир неча йилдан буён қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга даъват этди. Конгресс раҳбари Жек Розен Куба ижтимоий ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида мазкур мамлакат сафаридан қайтгач шундай баёнот берди.

Ж. Розеннинг айтишича, ўн йилдан буён давом этиб келаётган иқтисодий жазо Кубанинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини издан чиқарган, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлган. Шунингдек, у мамлакат Президенти Фидел Кастро Куба—АҚШ муносабатлари яқин кунларда яхшиланишига умид билдирганини ҳам таъкидлади.

ЁШ ҚИЗЛАР СОТИЛАРДИ

Хитой полициячилари Юннан вилоятида яширин равишда Таиланд, Мьянма, Лаос ва Жанубий Осиёнинг бошқа давлатларига ёш қизларни жўнатиш билан шуғулланаётган йирик жиноий гуруҳни фош этди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, жиноячилар Хитой, Сянган ва Таиланд фуқаролари бўлиб, улар жорий йилнинг ўзидаёк 18 ёшгача бўлган мингдан ортиқ қизни сотишган.

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ — ҚУВВАТЛАНДИ, БИРОҚ...

Араб давлатлари лигаси Миср ва Франция Президентларининг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш борасидаги музокаралар жараёнини қайта тиклаш ва давом эттириш мақсадида халқаро анжуман ўтказиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади. Лига бош котиби Исмат Абдумажиднинг баёнот беришича, 22 араб мамлакати ушбу анжуманнинг ўтказилишини ёқлаб овоз берган.

Бу фикр Миср Президентининг Парижга ташрифи асносида Франция Президенти билан ўтказилган музокаралар чоғида илгари сурилган эди. Бироқ Исроил ташқи сиёсат маҳкамаси ушбу ташаббусни рад этганди. У Фаластин, Ливан ва Сурия билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни маъқул кўрмоқда.

ИНФОРМАЦИЯ О ПРОВЕДЕНИИ НОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОАО «GALLA – ALTEG»

Наименование общества ОАО «GALLA -- ALTEG»
Местонахождение общества г.Ташкент, ул. Элбека-37.
Дата 4 июня 1998 г. время 14.00.
Место проведения общего собрания актовый зал ОАО « GALLA -- ALTEG»
Дата закрытия реестра акционеров 5 мая 1998 г.

Повестка дня общего собрания:
1. Утверждение итогов деятельности общества за 1997 г. годового баланса и отчета ревизионной комиссии.
2. Утверждение размера дивидендов по итогам 1997 г.
3. Утверждение Устава в новой редакции.
4. Утверждение внутринормативных документов.
5. Довыборы в состав Правления АО, в Наблюдательный совет АО, ревизионную комиссию АО.
6. Об увеличении уставного фонда в пределах объявленного количество акций.
7. Разное.

Бухгалтерский баланс

№ п.п	Наименование показателей	Значение показателя (сум)
1.	Долгосрочные активы	146231,0
2.	Оборотные активы	442183,5
	ВСЕГО АКТИВОВ	588414,5
3.	Источники собственных средств, в т.ч.	239618,9
	Уставный фонд	85819 тыс.сум.
4.	Объязательства	348796
	ВСЕГО ПО ПАССИВУ БАЛАНСА	588414,5

ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ

№ п.п	Наименование показателей	Значение показателя (сум)
1.	Выручка от реализации продукции (работ, услуг)	1953352,0
2.	Финансовый результат (прибыли или убытки) от основной деятельности	253076,0
3.	Финансовый результат (прибыли или убытки) от общехозяйственной деятельности	270867,0
4.	Чистая прибыль (убыток) за отчетный год	140001,0

Аудиторская проверка финансово-хозяйственной деятельности проведена независимым аудитором «Аудит МС» лицензия № 390 от 17 октября 1997 г.
Акционеры могут ознакомится с информацией материалами, подлежащей представлению акционерам при подготовке общего собрания в Наблюдательном совете по адресу: г.Ташкент, ул. Элбека-37. и реестросодержателя - ДП «Прогноз-Плюс» по адресу: г.Ташкент, ул.Навои, 18. Тел: 41-46-50.

Наблюдательный совет

САВОДСИЗЛИК ОРТМОҚДА

Бразилияни байрамлар мамлакати, дейишади. Унинг халқи ҳар қандай янгиликни ўзгача эҳтирос билан қаршилайди ва шу санани ҳар йили карнавалга ёки оммавий сайлга айлантириб юборади. Шундан бўлса керак, мамлакат аҳолисининг катта қисми ҳамон ўқиш-ёзишни билмайди. Маълумотларга қараганда, 15 ёшли ва ундан катталарнинг тахминан 15 фоизи саводсиз. Бу ҳол бразилияликларни қўшни давлатлар фуқаролари олдида бирмунча изза қилиб қўймоқда. Чунки, Аргентинада саводсизлик кўрсаткичи 4 фоиз, Уругвайда эса 3 фоизни ташкил қилади.

Бразилияда чиқадиган «Фоля ди Сан-Паулу» газетасининг ёзишича, мамлакатда саводсизликка қарши кураш нотўғри ташкил этилган. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, келгуси аср бошларида «ҳарф танимайдиганлар» яна ҳам кўпаяди. Чунки, айни кунларда 8-14 ёшлар оралигида бўлган 3 миллионга яқин бола ўқишни билмайди. 15 ёшга етгач, улар ҳам статистика маълумотларига киритилади. Ушанда ҳалиги кўрсаткичнинг қанчага сакрашини тасаввур қилиш қийин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИНИ ҲАМ ЎТКАЗИШГА ҚОДИР

ЮНОН-РУМ ВА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА «МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ» УЧУН ЎТКАЗИЛГАН ИККИНЧИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимиз пойтахтидаги «Юнусобод» спорт кошонаси уч кун давомида мухлислар билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон истиқлолининг етти йиллигига бағишлаб «Мустақиллик кубоги» учун эркин ва юнон-рум кураши бўйича иккинчи халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу турнирнинг аҳамияти шундаки, у мамлакатимизда моҳир курашчиларни тарбиялаб етиштиришда катта ёрдам беради. Энг муҳими, жаҳоннинг 14 мамлакатидан келган 200 га яқин полвонлар -- Олимпия ва жаҳон чемпионлари, халқаро турнирларнинг ғолиблари иштирок этганлиги юртимизда спортнинг бу турига қизиқишни янада ошириши турган гап. Икки карра Олимпиада, олти карра жаҳон чемпиони Арсен Фадзаев, жаҳоннинг бир неча бор чемпиони Комил Фаткуллин, бокс бўйича Ўзбекистондан чиққан биринчи жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев, машҳур курашчи Сергей Белоглазов, Россия кураш федерациясининг президенти Михаил Мамиашвили, бир неча карра жаҳон чемпиони Рустам Казаковларнинг меҳмон сифатида иштирок этиши тадбирнинг нуфузини янада оширди.

Республикамизнинг халқаро андозалар талабларига тўла мос келадиган ушбу иншооти жаҳон спортчиларининг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда курашга катта эътибор берилаётганлиги меҳмонларга манзур бўлди. Спортнинг мазкур тури билан шуғулланувчилар юртимизда қадимдан кўп бўлган. Эндиликда, унинг оммавийлигини ошириш учун спорт мактабларида, клубларда мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис ҳам ўтган йили биринчи марта ташкил этилган «Ўзбекистон мустақиллиги» кубоги учун ўтказилган халқаро мусобақа эндиликда «Гран-при» туркумига кирувчи кураш бўйича жаҳондаги энг кучли беш турнир қаторидан жой олди.

-- МДҲ мамлакатлари орасида фақат сизнинг республикангизда кураш бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги» кубоги каби юқори даражадаги турнир ўтказилмоқда, -- дейди Грузия Республикаси курашчиларининг устози Ж.Рехиашвили. -- Мен жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида бўлганман. Йирик мусобақаларда иштирок этишимизга тўғри келган. Аммо, мусобақаларнинг бунчалик юқори даражада ташкил этилганлигини кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ. Мамлакатингиз Президенти ва ҳукуматингиз спортни ривожлантиришга нақадар катта эътибор бераётганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекистон жаҳон биринчилиги мусобақаларини ўтказишга ҳам қодир эканлигига ишончим комил бўлди. Бизнинг Грузияда бундай катта мусобақаларни ташкил этиш у ёқда турсин, оддий турмуш шароитларини яратишга ҳам имкон бўлмаяпти. Шу боис ҳам тинч, осойишта, фаровон турмуш кечираётган Ўзбекистон халқига ҳавас қиламан.

Энди бевосита беллашувлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, турнир ташкилотчилари астойдил тер тўкишгани маълум бўлди. Сарой техника воситалари билан жуда яхши жиҳозлангани, хилма-хил маданий дастур, ҳакамларнинг юксак малакаси -- буларнинг ҳаммаси мусобақа жуда қизиқарли ўтганлигидан далолат беради.

Уч кун давомида ўзбекистонлик спортчилар ҳақиқий маҳорат намуналарини кўрсатишди. Мамлакатимиз спортчиларидан йигирма киши саралаш босқичларидан муваффаққиятли ўтиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганлиги барчани қувонтирди. 54 килограмм вазн тоифасида иштирок этган 22 ёшли эркин курашчимиз Адҳам Очилов финалда эронлик Мучтабо Ҳусайинни ажойиб усуллар билан мағлубиятга учратиб, дастлабки олтин медални қўлга киритди. Юнон-рум кураши бўйича Дилшод Ориповга тенг келадиган курашчи топилмади. 85 килограмм вазн тоифасида беллашган Сагит Катиновасов россиялик Аслан Санакоевни енгди. Юнон-рум кураши бўйича 130 килограммлик полвонлар беллашувида Шермуҳаммад Қўзиев белоруслик Дмитрий Дебелка устидан ғалаба қозонган бўлса, Георгий Кайсинов АҚШлик Толлен Томпсонни мағлуб этди.

Юрий Витт, Зафар Очилов, Олег Степанян, Григорий Пуляев, Баҳодир Курбонов, Сослан Фраевлар ўз вазн тоифаларига кўра кумуш медалга сазовор бўлишди.

Маис Ибодов, Шамсиддин Худойбердиев, Рамиль Исломов, Аслиддин Худойбердиев, Сергей Красильников, Саид Муртозалиев, Исомжон Кенжаев ва Шуҳрат Саъдиевга бронза медали насиб этди.

Турнир давомида Россия, Эрон, Украина, АҚШ, Туркия, Белорусь спортчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб мухлисларда яхши таассурот қолдирди.

Ғолибларга ва совриндорларга медаллар туркуми билан биргаликда ўзига мос равишда кубок ва пул мукофотлари ҳам берилди. Ғолибларнинг мураббийлари ҳам унутилмади. Уларга пул мукофотлари тақдим этилди.

-- Ушбу мусобақалар бизнинг спортчиларимиз маҳоратлари ошиб бораётганлигини кўрсатди, -- дейди биз билан суҳбатда таниқли мураббий Маъмуржон Рўзиев. -- Шогирдларимдан хурсандман. Улар кўплаб совринли ўринларга сазовор бўлишди. Мусобақа кўнгилдагидек ташкил этилганлиги меҳмонларни ҳам, мезбонларни ҳам қувонтирди. Бунинг учун «Мустақиллик кубоги» ташкилотчиларига, Аҳрол Рўзиев раҳбарлигидаги Ўзбекистон кураш уюшмасига, мамлакатимизда спортнинг ушбу турини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган Салимжон Абдувалиевга ташаккур.

Мана, «Мустақиллик кубоги» мусобақаси ҳам ниҳоясига етди. Навбат -- Осиё ўйинларига. Ўйлаймизки, Ватанимизнинг Алпомишкелбат йигитлари навбатдаги мусобақаларда ҳам Ўзбекистон шарафини оширадилар, янги-янги ғалабаларга дохил бўладилар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: беллашувлардан лавҳалар.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

Юлдузлар шуъласи

ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ ОЗИҒИ

Вужудингизни ҳужайра-ҳужайрасига қадар «эритиб» юборадиган қўшиқ тинглаганингизда жонингиз жаннатнинг лаззатини туяди.

Қўшиқ--руҳий эҳтиёж, қўшиқ-кўнгил озиғи, дейсиз беихтиёр.

Маъюс-маъюс дарду изтироблар оғушида беҳаловат тўлғонаётган овоз сеҳри томирларингизга қайта-қайта ҳаёт саодатини бахш этади гўё! Чинакам истеъдод, чинакам азоб билан йўғрилган қўшиқ биринчи бор эшитганингизданоқ юрагингизни ўртаб юборади. Албатта, жозибали овоз узоқ вақт қулоғингизда «шивирлайверади».

Моҳира Асадова илк бор қуйлаган вақтларидаёқ юракларни «жиз» эттирган эди. У саксонинчи йиллардан буён қўшиқ бахти билан тирик, қўшиқ андуҳи билан омон. Хонанданинг ўз эътирофи каби «туролмайди қўшиқ айтмасдан».

Моҳира Асадова асосан Ғанижон Тошматов номидаги «Дуторчи»лар дастасида хонанда бўлиб шаклланди. Ғанижон аканинг ўзи ҳали 15 ёшга ҳам кирмаган қизалоқни дастага таклиф қилган эди. Яхшиларнинг дуоси ерда қолмади, устоз фотиҳаси ижобат бўлди. Ёш истеъдод соҳибаси Моҳира Асадова тезда эл-юрт назарига тушди. Хонанда «Дуторчи»лар дастасида ишлаш билан бирга тобора янги-янги қўшиқлар ярата борди. Унга катта-катта саҳналарда куйлаш бахти насиб этди. 1995 йил Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро кўрик танловининг ғолиби бўлди. Моҳира Асадованинг тўқсондан ортиқ қўшиқлари Ўзбекистон радиоси олтин фондида сақланмоқда.

Биз хонанданинг айни кунлардаги ижодий фаолияти, орзу-армонлари билан қизиқдик.

-- Моҳирахон, қалбингизда саньатга бўлган илк талпинишлар қандай кечган? Демоқчиманки, бу соҳага нисбатан илк меҳрни ким уйғотди?

-- Ота-онам, уларга минг бора раҳмат айтаман, минг бора таъзим қиламан. Боланинг қобилиятини ота-она сезаркан, етти ёшлигимда Чилонзордаги 6-болалар мусиқа мактабига рубоб курси бўйича ўқишга берганлар. Шундан сўнг санъат билан ҳамнафас ҳаёт бошланди. Ўзбекистон халқ артисти Ғанижон ака Тошматовдан ҳам бир умр миннатдорман. Катта қўшиқнинг катта саҳнасига шу инсон туфайли чиқдим. Умуман, санъаткор эканлигимдан фахрланаман. Тўғри, бу йўлда бир қадар қийинчиликларга ҳам дуч келаман. Лекин, нимагаки астойдил киришсанг, унга эришасан!

-- Қўшиқ яратаётганингизда асосан кўпроқ нималарга эътиборингизни қаратасиз?

-- Энг аввал шеърнинг мазмунига. Агар руҳимга яқин бўлса, юрагимга «тегса», ўша шеър албатта қўшиқ бўлади. Кейин мусиқада ҳам кўпроқ миллийликка, ўзимизнинг мумтоз, халқона оҳангларга таянаман.

-- Элнинг назаридан қолмаслик учун хонанда қандай яшаши керак?

-- Санъаткор ҳамиша халқнинг «таъқиб»ида бўлади. У шунинг учун ҳам ўз-ўзига ғоят эътиборли бўлмоғи лозим. Аввало санъаткорни Аллоҳ шундай толега раво кўрибдими, у фақат халқ учун хизмат қилиши керак.

Баҳодир ШУКУРОВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Нурбек ТОШНИЁЗ, навбатчи Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 28.061 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.15.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

---

30 ЙИЛДАН СЎНГ «СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ» ЯНА ЧАЛИНДИ

Синфга гурр этиб бир гуруҳ «катта болалар» кириб келишди. Ўз-ўз парталарига ўтиришди. Ҳамма бироз жимиб қолди. Ғалати сукунат. Қалбларга болалик қайтди, қий-чув қайтарилди. Адабиёт ўқитувчиси Сойима опа келганини пайқамай қолишди. Беихтиёр ўрниларидан дик туришди. «Ассалому алайкум!»

— Болалар, ҳалиям ўша «тўполон»ми? «Ўқувчилар» кулиб юборишди.

— Устоз! — ўраб олишди. Сўнг кўзлар беихтиёр нам тортди. Кап-катта одамларни гўё яна бола бўлгандек кўрдим. Ҳа, ҳаяжонли «дарс».

Сўнгги қўнғироқ. Миробод туманидаги 122 ўрта мактабда (ҳозирги 47 — мусиқа мактаби) 1968 йилнинг ёз бошида, бундан роппа — роса 30 йил илгириям худди шундай чалинганди.

— Мактабдан чиққач, «қўр боши» — Ёқутхонникига борамиз! — чувиллашарди «болалар».

29 нафар битирувчи ҳаётга мустақил қадам қўйганди. Ўшандаям «сўнгги қўнғироқ»ни кўзларда жиққа ёш билан кузатишувди. Ҳозиргиси бошқача. Назаримда, дийдор ёши.

Синфдошларни катта ҳаёт ўз измига солиб юборган. Муҳаммаджон Очилов — иқтисодчи, Мукаррам Холмуҳамедова — ҳисобчи, Дилбархон — «Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси»да, Лолахон, Дилбархон — ўқитувчи, Гулсирахон — ҳамшира. Исроил Аширов эса савдо ходими. Дарвоқе, бугунги «учрашув»нинг ҳамма гўшти унинг гарданига тушибди. Атроф тўла гулдаста. «Ёшликдаги орзуингизга эришдингизми?» Савлолимга дарҳол жавоб бўлмади. Ҳаммалари «Орзу яхши, ундан ҳам яхшиси яхши яшаш!» дейишади. Ростиям шу.

Давра тўрида мусаввир Нишонбой Мусамуҳамедов. Ногиронлик аравачаси гулларга кўмилиб кетган. Улардан одамийлик ҳақида сўрамадим. Кўрдим, худди болаликдагидай аравачани талашиб-тортишиб суришиб, Ёқутхон Дўстмуҳамедованинг (ота хонадонига) уйига келишди. Оқибатнинг олий нишонаси шу эмасми?

Дийдор азиз

Синфдошлар 30 йиллик ўтган кунлардан кўпроқ ўша «партадаги муҳаббат», «синфдаги шўхликлар» ҳақида кула - кула ёдлашарди. «Қўр боши»ни энди тушундим... «Ёқут бизнинг ҳар доим бошимизни бирлаштирарди, бизга бош эди» дейди Лолахон.

Дарҳақиқат, дунёда дўстларимиз бирам кўп.

Фақат ҳеч бири синфдошга етмайди-да. Болаликнинг беғараз ришталари умр бўйи дилларни боғлаб тургандай.

Ҳавасим келади шу дўстликка.

Саида БОНУ.

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Яна тўрт тур учрашувларидан кейин мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинлари якунланади. Аммо, ўйинлар жадвалига назар соладиган бўлсак, ҳамон қайси жамоанинг оралиқ маррага карвонбоши бўлиб келиши ҳақида аниқ фикр айтиш бироз қийин кўринади. 11-тур ўйинларида ҳам пешқадамлар мавқеларини мустаҳкамлашга зўр бердилар. Дарвозаларга жами 28 та тўп киритилди. Икки учрашувда йирик ҳисоб қайд этилди. Пахтакорчилар «Сурхон» майдонида ўйнаб 5:3 ҳисобида ғалаба қозондилар ва очколарини 26 тага етказиб мавқеларини анча яхшилашди. «Трактор» — МҲСК учрашуви 6:1 ҳисобида тугади. Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди. «Сўғдиёна» — «Хоразм» — 4:0, «Бухоро» — «Металлўрг»—2:1, «Темирйўлчи» — «Зарафшон» — 2:0, «Андижон» — «Косонсой» —0:0, «Нефтчи» — «Навбаҳор» — 3:1, «Дўстлик» — «Насаф» — 0:0. «Сўғдиёна» 24 та очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. «Навбаҳор» ҳисобида 22 та очко бор. «Нефтчи»да 21 очко тўпланди.

МИНИТЕХ'98

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги Сизни «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар» халқаро кўргазмасига таклиф этади.

Кўргазма 1998 йил 26—30 май кунлари РСКМ «Ўзэкспомарказ»да бўлади.

Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107

Кўргазманинг ишлаш вақти: сешанба, 26 май 11.00 —18.00, чоршанба, 27 май 10.00 — 18.00, пайшанба, 28 май 10.00 — 18.00, жума, 29 май 10.00 — 18.00, шанба, 30 май 10.00 — 18.00да.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилги ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

«TAVFIQ» фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Собир Раҳимов туманида жойлашган «SAF-K» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган «Юви-Сардор» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида77-00-27 телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари А.Н.Орловга онаси **Любовь Антоновна ОРЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти бош муҳаррир ўринбосари А.Н. Орловга онаси **Любовь Антоновна ОРЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.